

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Б.Холматова	
Маънавий маданият тараққиётида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги	167
А.Шарафиддинов	
XIX аср охири – XX аср бошларида Қўқон шаҳри аҳолиси ва унинг ўсиш динамикаси.....	170
Д.Алиязарова	
Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги гуманитар алоқалар.....	173
Ш.Мамадалиев	
Болалар ўртасида ҳуқуқбузарликлар олдини олиш бўйича совет ҳокимиятининг фаолияти (1917 – 1921).....	176
М.Мўминова, И.Якубов	
Кетрин Мансфилд ҳикояларидаги ёлғизлик	178
Н.Хошимова	
Ассоциацияларнинг фоносемантик тадқиқи.....	180
Н.Аббасова	
Тил ўргатиш жараёнида инглиз мақол ва маталларини ўқитиш муаммолари.....	183
Ш.Юсупова	
Ўзбек тилига хос асосий диний концептлар ҳақида	187
М.Курбанова, Д.Юсупова	
Замонавий инглиз тилида “to force” феълининг функционал-семантик ва парадигматик тавсифи.....	190
М.Ғофурова	
Инглиз тилида қўлланиладиган варваризмларнинг функционал – семантик хусусиятлари	193
М.Исломова	
Ҳаёт ҳақиқати ва аллегорик тасвир.....	197
С.Исроилова	
Ҳикоят (притча)нинг бадиий адабиётдаги ўрни.....	200
М.Мадазимова	
Чингиз Айтматов ижодида архетип образлар ва уларнинг функцияси.....	203
М.Ҳожиева	
Назира ва унинг мумтоз адабиёт тарихидаги ўрни.....	206
М.Ходжаева	
Тилнинг товуш тизимини тадқиқ қилишнинг назарий методологияси.....	208
М.Қаҳҳорова, Г.Астонова	
Замонавий дарсликларда ёзиш кўникмаларини ривожлантириш усуллари.....	211
Н.Ўринова, З.Жакбарова	
Талабаларда ижтимоий-маданий компетентликни шакллантиришнинг педагогик-психологик муаммолари	214
Д.Ҳайдарова	
Нофилологик олий ўқув юртлари талабаларининг чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантириш мазмуни.....	217
Ф.Мирзараҳимова	
Чет тилини ўқитишда ижтимоий-маданий воситалардан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари.....	220
М.Қурбонова	
Ўқитувчиларни ўқитиш ва психологик таълимнинг устуворликлари	225
	ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ
УСТОЗЛАР САРДОРИ	227
МОҲИР ТАДҚИҚОТЧИ	231

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ ВА АЛЛЕГОРИК ТАСВИР
ПРАВДА ЖИЗНИ И АЛЛЕГОРИЧЕСКОЕ ИЗОБРАЖЕНИЕ
THE TRUTH OF LIFE AND ALLEGORIC IMAGES

М.Исломова

Аннотация

Мақолада Муҳаммадшариф Гулханийнинг “Зарбулмасал” асаридаги қушлар образлари воситасида қудачилик можароларини тасвирлаш орқали ўша замондаги ижтимоий муносабатлар, миллий одатлар кўрсатиб ўтилган.

Аннотация

В статье через описание проблем сватовства посредством образов птиц в произведении Мухаммадшарифа Гулханий “Зарбулмасал” показаны социальные отношения и национальные обычаи того времени.

Annotation

The article illustrates the social relations and national traditions by depicting the problems of matchmaking through the birds' images in the work “Zarbulmasal” by Mukhammadsharif Gulkhaniy.

Таянч сўз ва иборалар: образ, мажоз, рамзийлик, миллий одатлар, қушлар тимсоли, адиб услуби, аллегория, мақол ва хикматли сўзлар.

Ключевые слова и выражения: образ, аллегория, символика, национальные обычаи, символ птицы, стиль писателя, аллегория, пословицы и афоризмы.

Keywords and expressions: image, allegory, symbolism, national customs, bird's image, writer's style, allegory, proverbs and aphorisms.

Ҳар бир шахс ва у мансуб бўлган миллат узоқ тарихий тараққиёт жараёнида шаклланади. Бу шаклланиш жараёнлари ўзига хос табиий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда кечади. Ана шу ижтимоий жараён сўз санъаткорлари томонидан турли усулларда бадиий тасвирланади. Жумладан, воқеликни аллегорик-мажозий баён этиш ҳам адибнинг услуби, ғояси билан боғлиқдир. Шундай қилиб, қуш тимсолидаги адабий қахрамон ёки унинг прототиби бўлган шахснинг шаклланишига у мансуб бўлган халқнинг хўжалик машғулоти, маиший турмуши, ижтимоий муҳитигина эмас, умуман, бутун ижтимоий муносабатлар мажмуаси ўз таъсирини кўрсатади.

Бирор адибнинг турли ижтимоий қатлам вакиллари билан бўлган мулоқот ва муносабатлари ҳаётга кенгроқ ва чуқурроқ нигоҳ, бўлаётган воқеа-ҳодисаларни онгли таҳлил эта олишида қўл келади. Аҳолининг турли қатламлари орасида бўлиши ва фаолият олиб бориши ёзувчининг турмуш тажрибасини орттиради ва ҳаётини мушоҳадаларини бойитади. Масалан, Муҳаммадшариф Гулханий “Зарбулмасал” асарини яратганида турли табақа вакиллари, шу жумладан, косиб ва

деҳқон, руҳоний ва савдогар сингари қатор образларнинг қушлар тимсолида ёрқин ва ҳаётини чиқишида ҳаёт тажрибалари қўл келганлиги ҳақиқат. Гулханий нафақат истеъдодли адиб ва шоир, балки тирикчилик илинжида ҳар хил юмушларни бажарган, навкар сифатида турли уруш-юришларда иштирок этган, ҳаёт ҳақиқатини таққослаш орқали англаб етган ўз даврининг илғор кишиларидан бири бўлган. Гулханий даврида тараққийпарвар кучларнинг илғор қарашларини, халқчил ғояларни тарғиб қилиш учун энг қулай бўлган бадиий шакллардан бири мажоз – аллегория эди. Аллегорияда шоирнинг ҳаётга, ўзини ўраб олган муҳитга, ҳоким табақаларга муносабати бевосита эмас, балки жониворлар, қушлар образларининг тасвири орқали ифодаланади. “Зарбулмасал”нинг қисқача мазмуни шундай: Фарғона иқлимига қарашли Кайқубод отлиқ подшолиқдан қолган бир эски шахристонда Бойўғли ва ундан бир ёғоч масофада Япалоққуш яшар эдилар. Бойўғлининг Гунашбону исмли бўйи етган ой юзли, нозли қизи бўлиб, Япалоққуш ўз ўғли Кулонкир султонга шу қизни олиб бермоқчи бўлади ва шу ният билан

М.Исломова – ФарДУ гуманитар йўналишлар бўйича факультетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси.

Кўрқушни Бойўглининг уйига совчиликка юборади. Қизнинг отаси уруғ-аймоқлари билан кенгашиб, бир қарорга келгандан сўнг жавоб беражagini билдиради. Бу хабар қушлар шоҳи – Маликшоҳинга бориб етади. Маликшоҳин Бойўгли талаб қилган қалин миқдорини аниқлаш ва тайёрлаб қўйиш мақсадида синалган, ишнинг кўзини биладиган хазиначиси Кордонни Турумтой исмли хизматкори билан қўшиб, Бойўглининг уйига жўнатади. Бойўгли буларни кутиб олганидан сўнг Кордон “Ҳар на тилаган қалинни ўз қулоғим билан англагани келдим”, дея мақсадини баён қилади. Аммо иш битмайди. Кордон Бойўглидан аниқ жавоб ололмай, Кўрқуш олдига бориб, бўлган воқеани унга баён этади. Охири Кўрқуш қизнинг отаси талаб қилган минг чордевор эвазига унинг розилигини олганидан сўнг хутба ўқитиб, Гунашбонуни Кулонкир султонга никоҳлаб беради.

Гулханий қушларнинг қудачилик можароларини тасвирлаш жараёнида ўша замондаги ижтимоий муносабатларни, миллий одатларни кўрсатишга муваффақ бўлади. У яратган Бойўгли, Япалоқбиби сингари мажозий образлари ҳам айнан ижтимоий воқеликка холис ва адолатли муносабатлари воситасида оқ-қорани таниган, ўзлари мансуб бўлган тузум ва даврга ҳаққоний баҳо бериш даражасига кўтарилган қаҳрамонлардир. Ушбу мажозий қаҳрамонлар воқеликка ўз даврининг фарзандлари сифатида баҳо берадилар, ўз табиатларидан келиб чиқиб, фикр-мулоҳаза юритадилар. Қудачилик риштасини боғлаш жараёнларида келин қалини учун минг чордевор - хароба сўралиши, биринчидан, бойўгли, япалоққушларнинг ана шундай харобаларда яшаши, тунда тирикчилик қилиши ва табиатидан келиб чиқса, ижтимоий-сиёсий томондан қаралганда хонликлар даврида мамлакат харобликка юз тутганлиги, иқтисодий жараёнлар ва тараққиёт тўхтаб қолганлигига муаллифнинг қушлар тилидан ишораси ҳамдир. Гулханийнинг воқеликдаги фожиаларни ифодалашда мажозий-аллегорик образлардан, яъни қушлардан фойдаланиб, рост гапни айта олганлиги, унинг тақдири фожиали ўлим билан яқунлангани ҳақида замондошлари ёзиб қолдирганлар.

Ҳаёт ҳодисаларини синчковлик билан кузатиш, тасвирдаги ҳаққонийлик туфайли асардаги аксарият образлар ғоят табиий,

воқеликка ҳамоҳанг тарзда яратилган. Асарнинг бош қаҳрамонларидан бири, яратилиш давридан келиб чиқиб, асосий қаҳрамонлар сирасига киритиладиган Бойўглининг қизи Гунашбону образи тимсолида биз оқила ва фаросатли, турмушнинг баланд-пастини тушунадиган, одамлар психологиясини биладиган қаҳрамонни кўраимиз. Унинг тилидан айтилган кўпгина иборалар, халқ мақол ва ҳикматли сўзлар бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши мумкинлиги ҳам бизни ҳайратга солади. Жумладан, “Кечки экиннинг хатари бор”, “Кундузги ишни кечга қўйиб бўлмас” сингари пандлари шахс сифатида шаклланган, турмуш ҳақидаги тушунчалари кенг, маиший ҳаёт ишларида катта тажрибага эга бўлган инсон томонидан айтилганига ишонч ҳосил қиламиз.

Жаҳон, хусусан, ўзбек адабиётида бирор бир адиб йўқки, ўз асарларида қушлар образлари орқали шахс ва муҳит масаласига у ёки бу даражада муносабат билдирмаган бўлсин. Чунки ҳар бир адиб ўз даври ва муҳитининг фарзанди сифатида ҳаёт муносабатларидан четда туриши мумкин эмас. Шу маънода атоқли адиб Одил Ёқубов ўзининг “Ҳаёт сабоқлари ва ижод машаққатлари” мақоласида бир қатор эътиборга лойиқ мулоҳазаларни билдиради: “Ёзувчи ёки санъаткор бўлиш, туғма истеъдоддан ташқари, назаримда, яна икки нарсага боғлиқ, - дейди адиб. – Бири адабиётга, китобга меҳр, иккинчиси адибнинг бошидан ўтган воқеалар – унинг кўрган-кечирганлари. Мен ижодга киришар эканман, ҳаётда кўп учратган, дилимда чуқур асорат қолдирган воқеа-ҳодисаларни ёздим”.

Ҳаёт воқеликларини мунтазам кузатиб борган Гулханий халқ бошига тушаётган азоб-уқубатларга бефарқ бўла олмас эди. Шунинг учун ҳам кундалик ҳаётда рўй бераётган ҳодисаларга муносабатини билдирар экан, унинг ижодида мавзулар кўлами тобора кенгайиб борди. Шоир яратган асарларда жамиятдаги иллатларни фош қилиш бора-бора муайян ва аниқ шахсларнинг аллегорик тимсолида амалга оширила бошланди. Чунки шоир эл-юртга кулфат келтираётган, одамлар нафратига дучор бўлаётган кимсаларга қарши адабиётни, сатирани қурол қилиб олди. Очиқ танқид, ўткир ҳажв шоир ҳаётига хатар келтириши мумкинлиги унинг

ана шундай нисбатан пардали усуллардан, яъни аллегорик ва мажозий образлардан фойдаланишга мажбур қилар эди. Аммо шоирнинг замондошлари, ҳатто ҳажв қаҳрамонининг ўзи ҳам бундай аллегорик образнинг остида ким турганлигини яхши билганлари табиий. Бундай образлар қудратли сатирик кучга, юксак бадииятга эгаллиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Ўз нуқтаи назари, эркин дунёқарashi, ўз сўзини айта билиш фазилати шахснинг тарихий жараёндаги ўрнини белгилайди. Ана шундай қобилият ва истеъдод эгалари эса жамиятнинг тобора тараққий этишига кучли туртки берадилар. Албатта, мазкур

тараққий жараёни силлиқ ва текис давом этмайди. Яхшининг ёмони, оқнинг қораси бўлгани каби ҳар бир шахснинг ҳам мусбат, ҳам манфий томонлари мавжуд бўлади. Ана шу салбий ҳамда ижобий хусусиятларни образли ифодалаш, воқеликни ҳаққоний тасвирлаш эса бадиий адабиётнинг долзарб вазифаси бўлиб қолаверади. Шу маънода Гулханийнинг “Зарбулмасал” асари қушлар образлари воситасида шахс образини чуқур тадқиқ этиш, унинг ижтимоий муҳитга муносабат ва алоқаларини илмий текширишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Аристотел. Поэтика. – Т., 1980.
2. Калила ва Димна. Таржимон С.Ғаниева. –Т., 1966.
3. Панчатантра. Таржимон И. Ғафуров. –Т., 2013.
4. Гулханий. Зарбулмасал. –Т., 1959.
5. Ўзбек насри тарихидан. –Т., 1984.
6. Султон И. Адабиёт назарияси. –Т., 2005.
7. Сайфиддин Рафиддин. Мажоз ва ҳақиқат. –Т., 1998.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)